SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 7-OKTABR ■ SESHANBA ■ 118 (27.138) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

А.Ҳ.КОМИЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Абдулазиз Ҳафизович Комилов Ўзбекистон Республикасининг Америка Қўшма Штатларидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 6 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

6 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб борди.

Йиғилишда 2003 йилнииг ноябрь-декабрь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Сўзга чиққан Кенгаш аъзолари мамлакатимиз фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан янада илгарилаб бораётганлиги ҳамда давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан мазкур сайлов кампаниясининг аҳамияти янада ошганлигини таъкидладилар. Бу тадбир Обод маҳалла йилида ўтаётганлиги унинг аҳамиятини янада оширмоқда. Сайлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан йиғилишда тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Баркамол авлод орзуси

ИЛМ КЎПГА ЕТКАЗАР, ҲУНАР ЭСА КЎККА

Илм ва ҳунар эгаллаш йўлида қадам ташлаган инсонга эзгулик эшиклари очилади. Ҳар иккала тамойил ҳам бойлик касб этади. Шунинг учун ҳам доноларимиз илм излаганлар, бутун инсониятнинг фахри, ғурури, ҳунари борларнинг эса довруғи ҳаттоки осмонга етиб бориши ҳақида айтиб ўтганлар.

Нукус иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида бугунги кунда 1300 дан ортиқ талаба касб-ҳунар сирларини ўрганмоқдалар. Бу ерда республика халқ хўжалиги учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий йўналишда менежер, маркетолог, молия агенти, ҳисобчи, суғурта агенти, банк мутахассиси, биржа агенти, ҳуқуқшунос иқтисодчилар, архив иши, статистика, ижтимоий таъминот ходимлари тайёрланади.

Коллежда учта компьютер ўқув хонаси, 8 та лингафон, физика, химия фанлари лабораториялари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари ўқув юрти бошқа замонавий техник ускуналар билан тўлиқ таъминланган.

Билим масканида халқаро алоқаларга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Саксондан ортиқ коллеж ўқитувчилари республикамизнинг юқори олий ўқув юртларида малака оширган бўлсалар, бир ўқитувчи Жанубий Кореяда тажриба алмашиб қайтди.

Коллежга Австрия элчихонасининг ёрдами билан «Хильфсвек Австрия» нодавлат гуманитар ташкилоти томонидан 14 дона «Пентиум — III» компьютери, «Ямаха» мусиқа маркази тўплами, 4 дона видео иккилик, нусха кўчириш аппаратлари, видеокамера, ўқув адабиётлари тақдим этилди.

Замонавий янги таъмирдан чиққан маърифат маскани қорақалпоқ ёшларининг севимли даргоҳига айланиб бормоқда. Донишмандлар айтганидек, «Ўз ишини топа олган одам саодатлидир. У бошқа саодатни ахтармай қўя қолсин. Унинг қиладиган иши ва яшашдан мақсади бор».

Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО

Суратларда:
ўқув жараёнидан лавҳалар.
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг Қарори

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Фуқаролар Йиғинлари раисларининг (оқсоқолларининг) ва улар маслаҳатчиларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 105-моддасида ва «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун 20-моддасида белгиланган ваколат муддати 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчилари сайловини ўтказишни таъминласин.

2. Шу муносабат билан:

туман ва шаҳарлар ҳокимларига фуқаролар йиғинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда, ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган вазифаларни, шу жумладан мазкур органларга давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич ўтказилиши муносабати билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишга қодир шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлашда кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларига ўз сайлов округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол иштирок этиш;

оммавий ахборот воситаларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайловни кенг ёритиш тавсия этилсин.

3. Олий Мажлис Кенгашининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этишга доир тадбирлари тасдиқлансин.

4. Олий Мажлис Котибияти Олий Мажлисда доимий асосда ишловчи депутатлар ва Котибият ходимларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга чиқишларини ташкил этсин.

5. Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси сайлов кампанияси мобайнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан билдирилган таклифларни умумлаштирсин ҳамда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчилари сайлови якунлари тўғрисида 2004 йилнинг 15 январига қадар Олий Мажлис Кенгашига ахборот берсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 6 октябрь

АГРОБИЗНЕС — ФОРУМ МАВЗУСИ

Европа Тикланиш ва Тараққиёт банкининг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги узоқ муддатга мўлжалланганлиги ва кўп тармоқни қамраб олганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Бугунги кунда ЕТТБ Ўзбекистонда умумий қиймати 388 миллион АҚШ долларига тенг 26 та лойиҳани молиялаштирган. Маблағнинг катта қисми агробизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Пойтахтимиздаги «Intercontinental — Tashkent» меҳмонхонасида бўлиб ўтган ЕТТБнинг Ўзбекистонда агробизнесни ривожлантиришга бағишланган форум ҳамкорликни яна бир босқичга кўтарди. ЕТТБнинг агробизнесни ривожлантириш учун киритган сармоянинг йиллик ҳажмини кузатсангиз ўсиш суръати яққол намоён бўлади. Бу кўрсаткич 1998 йилда 193 млн., 1999 йилда 277 млн., 2000 йилда 419 млн., 2001 йилда 500 млн., 2002 йилда 512 млн. евро ни ташкил этган. Шу муваффақиятларнинг давоми ўлароқ юртимиздаги бир неча тижорат банкларида ЕТТБнинг кредит линиялари очилди.

Форумда банкирлар, тадбиркорлар, ЕТТБнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари иштирок этишди.

Анвар САМАДОВ

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҚУТҚАРУВЧИЛАР РУМИНИЯГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Мамлакатимиз аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, уларни турли кўринишдаги офатлардан муҳофаза қилиш борасида халқаро алоқалар тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1994 йил НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига қўшилгач, бундай нуфузли халқаро ташкилот томонидан ўтказилаётган барча тадбирларда фаол иштирок этаяпти.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон ва НАТО ҳамкорлик доирасида шу йилнинг 28-30 апрелида бўлиб ўтган «Фарғона — 2003» халқаро ўқув машқлари Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи марта Ўзбекистонда ўтказилиб, бундай турдаги илк машғулотда 27 хорижий давлат ва халқаро ташкилотлардан 200 нафардан ортиқ вакил қатнашган эди.

НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига асосан навбатдаги халқаро машғулот 2003 йилнинг 6-10 октябрь кунлари Руминия давлатида ўтказилиши режалаштирилганди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бир гуруҳ қутқарувчилари «Дасия — 2003» халқаро машғулотларида иштирок этиш учун Тошкентдан Бухарестга жўнаб кетишди.

Азамат СУЮНОВ

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

Мулоҳаза, таклиф

ЗАМОНАВИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ИМКОНЛАРИ КЕНГ

«Ўзиккиламчиранглиметалл» очиқ акциядорлик жамиятида халқ хўжалиги тармоқлари учун рангли металлардан зарур асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтириш истиқболлари ҳақида

Корхона — ҳар қандай иқтисодий тизимда асосий ва бирламчи бўғин. У юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик субъекти бўлиб, ўзига тегишли ёки тўлиқ хўжалик ҳисобидаги мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқаради, сотади, алмашади, ишлар бажаради, хизматлар кўрсатади. Улар хусусийлаштирилган ва хусусийлаштирилмаган бўлади. Ўзбекистонда давлат тасарруфида бўлган корхона ва ташкилотларни хусусийлаштиришга 1991 йил ноябрдан — яъни **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»**ги Қонун қабул қилинган вақтдан бошлаб киришилди.

Хўш, хусусийлаштиришнинг ўзи нима? Бу — давлат мулки бўлган объектлар ёки акцияларнинг жисмоний ва нодавлат юридик шахслар томонидан сотиб олиниши. Давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнида барпо этилган очиқ турдаги акциядорлик жамиятларининг устав сармоясини шакллантириш учун қатор акциялар пакетлари назарда тутилади: давлат, меҳнат жамоаси, хорижий ҳамкор, фонд биржалари ва қимматли қоғозларнинг бошқа бозорларда эркин сотилишга мўлжалланган акциялар пакетлари. Республикамизда бугунги кунга келиб хусусийлаштирилган корхоналар сони тўрт мингдан ошди.

Улардан бири — «Ўзиккиламчиранглиметалл» очиқ турдаги акциядорлик жамияти (ОАЖ). Унинг тайёр маҳсулотлари ички яъни, республика миқёсида ҳам ва ташқи бозорда ҳам сотилиши йўлга қўйилган. Чунки, ички бозордаги темир чиқиндилари ва иккиламчи қуймалар мамлакатда темир чиқиндилари тайёрлашда ягона ваколатга эга — шу корхона маҳсулотлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда шаклланади.

Барча ишлаб чиқариш корхоналарида бўлгани каби «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖда ҳам маълум муддатга мўлжалланган ишлаб чиқариш режалари тузилган ва уларнинг ижроси мунтазам таъминланмоқда.

Бугунги кунда бу ерда кичик ва ўрта бизнес фаолиятини тўғри йўлга қўйиш корхона раҳбарияти олдидаги асосий вазифадир. Унинг 51 фоиз устав фонди тегишли бўлган шўъба корхоналари ўрта ва кичик бизнес вакиллари ҳисобланади. Лекин улардан металл парчалари топширувчилар ва «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ ўртасида амалиётда ҳозирча фақат воситачи сифатида фойдаланилади, холос. Чунки, уларга иккиламчи металл тайёрлаш ҳуқуқини берувчи шартномалар шундай тузилганки, бу уларга мустақил ривожланиш имконини бермайди. Шўъба корхоналари ихтиёрида қолдириладиган маблағлар нафақат қандайдир янгиликларни жорий этиш, ҳатто уларни сақлаш ва талаб даражасида ушлаб туришни ҳам таъминламайди.

Шўъба корхоналарининг иккиламчи рангли металл чиқиндилари ва бирламчи майдалов жиҳозлари сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ҳамда бу ишларнинг у ерда амалга оширилмаслиги — транспортировка харажатларининг кескин ошиб кетишига олиб келмоқда ва бу ишлар, назаримизда, таъсисчи — «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ учун бир мунча самарасиз.

2-бет

ЎЗБЕК «БОИНГ»ЛАРИ КЎПАЙДИ

Тошкент Халқаро аэропортида олис Сиэтл (АҚШ)дан учиб келган янги «Боинг-767-300ER» йўловчилар ҳаво кемаси тантанали равишда кутиб олинди. Ғарбда ишлаб чиқарилган, «Боинг» корпорацияси томонидан тайёрланган ушбу самолёт «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг эҳтиёжларига тўла жавоб беради. Чунончи, фақат бизнес ва иқтисодий класс мавжудлиги ҳисобига кемадаги ўриндиқлар сони ошган. Натижада янги ҳаво кемасида 264 та йўловчи парвоз этиши мумкин.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Боинг» корпорацияси ўртасидаги ҳамкорлик тарихи 1996 йилда бошланган, ўшанда ўзбек учувчилари жаҳонга машҳур компаниядан илк ҳаво кемасини олишганди. Мана энди уларнинг сони олтитага етди. Айтиш керакки, «Боинг»лар олис масофага парвоз этади, тежамкор ҳамда кўплаб йўловчиларга хизмат кўрсата олади. Бу эса ўзбек учувчиларининг жаҳон авиаташувлар бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Алишер РЎЗИЕВ

O'ZBEKISTON XAVO YOLLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Минтақавий низолар терроризм, наркобизнес, ноқонуний қурол-яроғ савдоси, инсон ҳуқуқларини поймол этиш билан боғлиқ таҳдидлар манбаи бўлиб қолмоқда. Бу эса инсониятга жиддий хавф солаётир.

Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бошланган пулнинг ноқонуний айланиши ва терроризмни молиялашнинг олдини олишга бағишланган икки кунлик халқаро анжуманда шу ҳақда сўз юритилди.

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, БМТнинг Наркотик моддалар назорати ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорликда ташкил этган мазкур семинарда ҳуқуқ-тартибот идоралари, хорижий давлатлар, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, тадқиқотчилар иштирок этмоқда.

Анжуманда терроризмга қарши курашда халқаро ҳуқуқ масалалари, пулнинг ноқонуний айланиши ва терроризмни молиялашнинг олдини олиш бўйича халқаро тажриба, жумладан, молиявий тадбирлар бўйича махсус гуруҳ тавсиялари, халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик доирасида пулнинг ноқонуний айланишига қарши курашни кучайтиришнинг аҳамияти, мазкур курашга дахлдор миллий идораларнинг ахборот алмашиш ва ҳамкорлигини кенгайтиришга оид масалалар муҳокама этилмоқда.

Семинар иштирокчилари терроризмни молиялаш билан боғлиқ пулнинг ноқонуний айланиши борасида техник ва қонуний жиҳатдан хабардорликни ошириш, бу жараёнга қарши курашнинг ҳуқуқий, маъмурий механизмларини такомиллаштириш, бундай жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи қонунчилик базасини янада мукаммаллаштириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашади.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 7 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	661,84	1 Польша злотийси	251,52
1 Англия фунт стерлинги	1618,67	1 СДР	1394,21
1 Дания кронаси	151,89	1000 Туркия лираси	0,70
1 БАА дирхами	265,51	1 Швейцария франки	729,80
1 АҚШ доллари	975,16	1 ЕВРО	1127,58
1 Миср фунти	158,24	10 Жанубий Корея вони	8,46
1 Исландия кронаси	12,72	10 Япония иенаси	87,91
1 Канада доллари	724,27	1 Россия рубли	32,04
1 Хитой юани	117,82	1 Украина гривнаси	182,91
1 Малайзия рингити	256,65		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

BUSINESS BANK
БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Мурувват ва инсонпарварлик

ИШОНЧ ВА ИМКОНИЯТ МАСЪУЛИЯТИ

Улуғлардан бири «бир инсонни тўғри йўлга қайтариб, уни ёмон йўлдан асраб қолмоқ келажакни асраб қолмоқ билан баробардир», деган экан. Зеро, халқимиз табиатан қўни-қўшниси, маҳалла-қўйи, овули-қишлоғининг иссиғи-совуғидан хабардор, оғир-енгилига шерик, қувонч-ғами, тўйи-азасига ҳамроҳ, елкадош. Қишлоғининг нариги чеккасидаги уйда туғилган чақалоқ унинг хонадонига ҳам хурсандчилик олиб келади. Қўшнисиникида аза бўлса — уникида кулги овози эшитилмайди, қўшиқ, куй, хурсандчилик кўнглига сиғмайди бу пайт. Кўчада бузғунчилик қилаётган бола ёнидан ҳеч ким бепарво ўтиб кетмайди. Тўхтаб уни қайтаради. Ота-онаси бор, уларнинг ўзлари фарзандига кўзқулоқ бўлсин, демайди. Бизда бировнинг боласи йўқ, ҳамма бола ўз жигарбандларимиздир, келажагимиздир.

— Ҳукуматимиз зарарли оқимларга адашиб кириб қолиб, пушаймон бўлиб юрган фуқароларни кечирим сўрашса афв қилаётганликларини орқаваротдан эшитиб дастлаб ишонқирамай юрдим, — дейди Шайхонтоҳур туманида яшовчи Омад Вакилов. — «Ҳизбут таҳрир» диний оқимига кириб, конституциявий тузумга қарши даъватлар қилган, варақалар тарқатган бўлсам, қандай қилиб кечиришар экан, деб ўйлагандим. Ўшандай шубҳа-гумонлар билан бирга пана-пастқам жойларда яна бир йил умрим ўтди. Бу орада кўплаб адашганлар кечирилганини, улар тўғри йўлни танлаб ота-онаси, қавми-қариндоши орасида эмин-эркин яшаётганликларини кўрдим. Худди ўғрига ўхшаб хавотир ва ҳадик билан пана жойларда умрим ўтмасдан мен ҳам оилам, фарзандларим бағрида, уларга бош бўлиб яшасам бўлмайдими, деган ўй ўтди ичимдан. Тошкентга қайтдим. Ва кечирим сўраб, мурожаат қилган эдим, мурожаатимга ижобий жавоб бўлди — мени кечиришибди. Бугунги кунда тинч-тотув, бахтиёр ҳаёт кечирмоқдаман, уч фарзандим бор. Ҳозир ишдан чиқиб тушликка келган эдим. Ишхонам уйимиздан узоқ эмас. Фарзандлар билан, оиланг бағрида ҳаёт кечириш, бир хўплам чойни бирга ичиш қандай бахт эканлигини мана мен биламан!

— Куни кеча ҳайдовчилик гувоҳномасини олдим. Энди Шайхонтоҳур туман ҳокимияти ёрдами билан «Махсустранс»га ишга ўтишга ҳаракат қилиб юрибман, — дейди Фазлиддин Ҳасанов. — Ҳукуматимизга раҳмат, мени кечириб, тўғри йўлни топишимга ёрдам берди. Ҳатто туман ҳокимиятидагилар мен билан суҳбатлашиб, ҳайдовчиликка қизиқишим борлигини билишгач, «Ватанпарвар» ташкилотига қўнғироқ қилишиб, имтиёзли равишда ўқишимга кўмаклашдилар. Мен ҳозир тўғри йўл қайси йўл эканлигини англаб етдим, Бир фарзандим бор, ота-онам қучоғидаман. Уйимга хавотир, ҳадиксиз кириб чиқаман. Маҳалла-қўй ишига аралашаман, дўсту биродарларим билан биргаман.

Фазлиддин ва Омадга ўхшаб турли оқимларга қўшилган ёшлар талайгина эди. Уларнинг турли оқимлар таъсирида жиноят кўчасига киришларининг олдини олиш, ота-она бағрига қайтариш, ҳуллас, уларни асраб қолиш мақсадида 2000 йил 6 сентябрда Президент томонидан «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида» Фармон эълон қилинди. Айтиш лозимки, халқимизнинг кечиримлилик, узоқни кўра билиш, мурувват ва инсонпарварлик хусусиятларини ўзида мужассам этган ушбу Фармон оқимларга қўшилган кўплаб фуқароларни, айниқса, ёшларни тинч ҳаёт қучоғига қайтарди. Биргина Шайхонтоҳур туманида турли оқимлар таъсирида бўлган 43 нафар фуқаронинг ушбу Фармон орқали бугун тинч-тотув ҳаёт кечираётганлигининг ўзиёқ кечиримлилик нақадар улуғ фазилат эканлигини англатади. Бошқача қилиб айтганда 43 та келажак, 43 та оила, 43 та инсон асраб қолинди дегани бу. Зеро, ҳаётда битта инсонни бўлсин оиласига қайтармоқ дунёни асрамоққа тенг. Республика миқёсида бундай оилалар эса анчагина.

— Ўғлим адашиб ғаламисларга қўшилиб қолган экан, — дейди яккасаройлик Абдумажид Ҳошимов. — Мана, Юртбошимизнинг оқилона сиёсати туфайли болам қучоғимга қайтди. Ҳозир коллежда рассомчилик билан шуғулланмоқда. Юртбошимиз айтганларидек, энди фарзандларимизни ҳеч кимга бериб қўймаймиз.

— Мен ҳам адашганлардан бири эдим, — дея сўз бошлайди Алишер Мирзажонов. — «Ҳизбут-таҳрир»даги олчоқларнинг ширин ваъдаларига учган эканман. Уларнинг асл мақсади бузғунчилик, талон-торож ва ҳокимиятни эгаллаш эканлигини кечроқ англаб етдим. Президентимиз мен каби адашиб турли оқимларга кириб қолганларни афв этганларини эшитиб, қувончимни ичимга сиғдира олмадим. Хуллас, тўғри йўлга қайтдим. Айни пайтда оилавий шифохонада меҳнат қилаяпман.

Таҳлил этилганда турли оқимлар таъсиридагиларнинг деярли ҳаммаси ҳеч жойда ишламайдиган фуқаролардир. Яъни турли оқимлар таъсирида қолишнинг компонентларидан бири ишсизлик ҳисобланади. «Бекор, бекордан худо безор» деб бекорга айтилмаган. Кимки экин экаман деса бўш, бекор турган жойга экади, биров экин эккан жойга экмайди.

Адашганини англаб, тавба-тазарру қилгани учун кечирилганларнинг кўпчилиги «тўғриси, бизни кечиришади деб ўйламагандик», дейишади. Дарҳақиқат бунақа оғир жиноятлар ҳеч қачон кечирилмаган. Лекин, билдирилган бу ишонч, яратилган имкониятнинг масъулияти ҳам бор, албатта. Бундан хулоса чиқарган ютқазмайди.

Акбар АБДИМУРОД

ХДП ҳаёти

Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги Зебо Шамсидинова номли маҳалла гузарида Халқаро қариялар куни муносабати билан

ҚАРИЯЛАР ЭЛ ЭЪЗОЗИДА

мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

Тантанали ўтган ушбу тадбирга туман маҳаллаларида истиқомат қилаётган пиру бадавлат отахону онахонлар, устоз-мураббийлар таклиф этилиб, уларга дастурхон ёзилди. Бадиий дасталар томонидан чиқишлар қилинди.

— Ўз-ўзини бошқаришнинг ўзбекона усули бўлмиш маҳалла ҳаётида қариялар мавқеини ошириш ва уларнинг тажрибаларига суяниш яхши самараларга олиб келади, — деди Халқ демократик партияси туман кенгаши биринчи котиби Шавкат Файзиев. — «Обод маҳалла йили»да ҳам қариялар қадрлаш дастуридан келиб чиққан ҳолда кексаларга ғамхўрлик қилишни унутмаслигимиз лозим.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

МАҲАЛЛА — ДУНЁ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

Японияннинг Нагоя университети ва Тошкент давлат юридик институти ҳамкорликда ташкил этган «Анъанавий ҳуқуқий тизим ва маҳалла» мавзуидаги халқаро анжуман бу борадаги яна бир қадам бўлди.

Анжуманда Япония, Туркия, Россия ва бошқа Ғарб мамлакатларидан ташриф буюрган жамоат арбоблари юртимиздаги ўзиниўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ижодкорлиги ва ислоҳотларни қўллаб-қувватлашда уларнинг ўрни ҳақида гапирдилар.

Ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маҳалла ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Судлар томонидан никоҳни бекор қилиш ишларини кўришда судлар ва маҳалла қўмиталари ҳамжиҳатлиги, шунингдек, оилавий низолар, қўшничилик муаммоларини ҳал этишда, ёшларни тарбиялаш ва улар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маҳалланинг ўрни ҳақида маърузалар тингланди. Айниқса, профессорлар Эрик Словерс ва Сугиуранинг маърузалари долзарблиги билан ажралиб турди.

Тадбирда сўзга чиққан чет эл фуқаролари ўз давлатида мавжуд бўлиб келган ҳуқуқий тизимлар ҳақида гапириб бердилар. Энг эътиборлиси шундаки, Японияда chikonaikai ва Jichikai деб аталувчи ўзини-ўзи бошқариш органлари кўп жиҳатдан бизнинг маҳаллаларга ўхшаб кетаркан. Бу яқинлик ўзбек ва япон халқи азалдан ҳамкору ҳамфикр бўлганлигининг яна бир далилидир.

Гавҳар САМАДОВА

КЎПРИК ҚУР — КЎП ЎТАДИ

Бу ҳикматга амал қилган андижонлик Акрам ота Мирзаев 210 метр узунликда осма кўприк қуриб юртдошлари узоғини яқин қилди.

Шу йилнинг баҳоридаги ёғингарчилик Балиқчи туманидаги Хўжаобод қишлоғини Олтинкўл туманидаги «Андижон» ширкат хўжалиги ҳудуди билан боғловчи Қорадарёдаги пиёдалар ўтадиган осма кўприкни бузиб юборди. Дарёнинг икки томонидаги аҳолининг бордикелдиси қийин кечди. Ўттиз километр масофани айланиб ўтиш осон бўлмади. Осма кўприкнинг қадри билинди.

Шундай пайтда Аълам маҳалласида яшовчи деҳқон Акрам ота Мирзаев юртдошларининг оғирини енгил қилишга аҳд қилиб Ҳаж зиёрати учун тўплаган маблағини кўприк қуришга сарфлашни билдирди.

210 метр узунликдаги осма кўприк уста-муҳандис Жўрабек Мансуров, Давлатбек Ғаниев, Одилжон Парпиев сингари маҳалладошларнинг ҳаракати билан қисқа фурсатда мустаҳкам қилиб қурилди.

Кўприк битказилган кун катта тантана бўлди. Акрам ота Мирзаевнинг саховати кўпчиликни ўйлаб борини аямаганлиги юртдошларини хурсанд этди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ



ШАҲАРДАН 310 КИЛОМЕТР ОЛИСДА

Конимех туманидаги «Абай» наслчилик ширкат хўжалиги ерлари туман марказидан 250 километр, Навоий шаҳридан эса 310 километр олисда жойлашган. 8500 бошдан ортиқ қўй-қўзи, неча юзлаб йилқию туя боқаётган чорвадорлар ўтган хўжалик йилини 400 миллион сўмдан кўпроқ соф фойда билан якунладилар. Акция эгаларига 40 миллион сўм дивиденд тарқатилди.

— Ота-боболаримизнинг «От миниб дунёни тани» деган гапи бор, — дейди хўжалик раҳбари Мустафо Эгамқулов. — Чўпонларимиз бугун қўй боқиб, дунёни таниянпти. Улар олаётган даромадни ҳисобласангиз академиклардан ҳам ортиқ. Ҳар қайси оилада 300-600 бошдан шахсий қўй-қўзиси, енгил автомашинаси бор. Бир мисол: бу йил биринчи бўлимдан Ирисов Рустам деган чўпонимиз ҳар 100 бош совлиқдан 140 тадан қўзи олди. Биз билан тузилган шартномада унинг 100 қўйдан 105 қўзи бериши белгилаб қўйилганди. Ортиқча 35 тадан қўзи чўпоннинг ўзига мукофотга қолдирилди ва у бирикки ой ичида 165 та қўйли бўлди. Энди биргаликда ҳисоблайлик: бугун бозорда битта қўй ўртача 35-40 минг сўм баҳоланса, 165 боши нақд 6 миллион бўларкан. 6 миллионни ўн иккига бўлсангиз, Рустамнинг ойлик даромади 500 минг сўмдан кўпроқ эканлиги маълум бўлади.

Хўжаликда қишлоқ инфратузилмасини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. 6 та умумтаълим мактаби, 1 та болалар боғчаси, қишлоқ шифохонаси, ҳаммом, кутубхона, 350 ўринли бозор, шу ердан урушга кетганлар хотираси учун зиёратгоҳ хиёбон, чойхона, супермаркет дўкони, маиший хизмат уйи барпо этилган. Ичимлик сув муаммоси ҳал қилинган.

Яқинда хўжалик марказидан олисдаги отарлардаги 127 та чўпон уйларини ягона лойиҳа асосида замонавий услубда қайта қуриш, ҳар бирини қуёш энергиясидан электр қуввати ҳосил қиладиган махсус қурилма билан таъминлаш дастури ишлаб чиқилди. Энди Қизилқумнинг олис ичкарисидаги чўпонлар ҳам уйларида телевизор томоша қилиб, дунёни танийдилар.

❖❖❖

Суратларда: биринчи бўлимга қарашли барханлар бағридаги саккизинчи отар чўпони Суюн Йўлдошев ҳовлисига ўрнатилган қуёш энергиясидан электр қуввати ҳосил қиладиган қурилма ёнида; супермаркетда харидорга намунали хизмат кўрсатилади; хотира майдони — ёшлар учун зиёратгоҳ.





Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Мулоҳаза, таклиф

ЗАМОНАВИЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ ИМКОНЛАРИ КЕНГ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Корхонада ишлаб чиқарилаётган иккиламчи алюмин қотишмалари республика машинасозлиги ва металлсозлик саноати ривожида катта аҳамиятга эга. Бундай прогноз макроиқтисодий кўрсаткичларни ўзгартиришларнинг бир нечта вариантлари (оптимистик, пессимистик ва базали) бўйича ўзгаришлар бўлишини назарда тутади.

Корхона ишлаб чиқариши ва унинг бошқарув фаолиятидаги мавжуд бошқа муаммоларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Жумладан, ҳозир статистик маълумотларни йиғиш, ҳисобга олиш ва қайта ишлаш йўлга қўйилган бўлсада, бошқарувнинг қатор муҳим функциялари ҳали мавжуд эмас. Масалан, бошқарув ҳисоби, бюджетлаштириш, таҳлилий функциялар, истиқболни белгилаш, техник иқтисодий асослаш ҳисоб-китоблари ва ҳоказо.

Шунингдек, персоналларни бошқариш тизими фаолиятини яхшилаш борасида ҳали кўпгина ишлар қилиш керак бўлади: уларни ўқитиш, малакасини ошириш, ишлаб чиқариш ва тайёрлаш бўлимлари ўртасидаги функционал боғланишларни такомиллаштириш эҳтиёжи туғилмоқда. Раҳбарлар таркиби ва молия соҳаси билан банд ходимлар ўқувини имкон даражасида қайта ташкил этиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмасди. Хуллас, ана шундай мулоҳазалар билан «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ фаолиятини янада яхшилаш имкониятлари катта дейишга тўла асос бор.

Ишлаб чиқарилаётган қўймаларнинг сотилишида маркетинг ёндашуви етарли даражада йўлга қўйилмаган. Ишлаб чиқариш қувватлари юкламасининг пастлиги 4% атрофида бўлаяпти, холос. Шу боис ҳам таннарх юқори. Режалаштириш, молиявий ҳисобот тизими ва бухгалтерлик ҳисоботи ишларида қатор камчиликлар бор...

Шу муносабат билан бугун биз корхона фаолиятини ташкил қилиш ва бошқаришни такомиллаштириш учун технология, маркетинг соҳаларида, корпоратив тараққиётда ҳамда стратегик имкониятлардан фойдаланиш борасида иқтисодий самарадорликни ошириш билан боғлиқ қатор амалий- назарий таклифлар билдиришни ҳам жоиз кўрган бўлардик. Негаки, мамлакатга жаҳон бозорида рақобатбардошликка мосланувчан, янги иш жойлари ва моддий бойликларни ярата олувчи, яхши бошқарув даражасига эга корхоналар бугунги кунда жуда-жуда зарур.

Масалан, корхонада ишлаб чиқаришни диверсификациялаш ва янги товар бозорларига чиқиш вақти аллақачон етган. Мис қуйилмалари (латунь ва бронза) ишлаб чиқариш имкониятлари бор. Улардан оқилона фойдаланилса, нафақат ишлаб чиқариш — сотиш ҳам, ассортимент ҳам кенгаяди. Пировардида, келажакда прокат ишлаб чиқаришга ҳам қадам қўйилади. Прокат, биласиз, экспортни кенгайтириб, ички бозорда мазкур маҳсулот турларига таклифни оширади ва импортни қисқартириш имконини беради. Бу эса ўз-ўзидан корхона учун юқори самарали товар бозорини шакллантиради.

Кейинги яна бир стратегик йўналиш — алюмин қуйилмалари ишлаб чиқаришни ривожлантиришдир. Бу маҳсулот ҳам корхона учун янги экспорт бозори, дегани.

Яна бир таклиф: корхонага аҳолидан темир-терсакларни йиғиб олишга ҳам рухсат берилса, маҳсулот тайёрлаш ҳажми 1000-1500 тоннага ошиши мумкин. Бунда тайёрлаш самарадорлигига темир-терсак топширувчилар билан корхонада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар эвазига ҳисоб-китоб қилиш ижобий таъсир кўрсатиши, табиий. Лекин бу борада энг олдин темир-терсакларни қайта ишлашга қадар уларни сортларга ажратиш муаммосини ҳам ҳал қилиш керак. Бунинг учун қайта ишловчи мосламалар сотиб олиш лозим.

Лўнда қилиб айтганда, ҳозирги кунда «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖда рангли металлардан республикада ривожланиб келаётган автомобилсозлик саноати учун деталлар, Ўзбекистон иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва консервация қилиш борасида, майда асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни ташкил этишда катта имкониятлар бор.

Ҳикмат УСМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги Олий бизнес мактаби тингловчиси

ҒУЛОМ МАДАМИНОВ

ЁХУД «FM АЛ-ИКСИР ТАРЁҒИ»НИНГ

(илмий очерк)

Биз атрофимизда рўй бераётган янгиликларга турлича муносабатда бўламиз. «Янгилик» сўзининг салмоғини ҳам ўз нуқтаи назаримиз тарозусида ўлчаймиз. Бинобарин, ижодкор асар яратса, олим фанга янгилик олиб кирса ёки тиббиёт жонкуяри янги дори ихтиро қилсаю, биз унга оддий кўз билан қараб, юзаки баҳо бериб ўтишимиз тўғримикин? Ахир, ўйланг, янгилик яратмоқ умидида инсонни сабр-қаноатга ўргатувчи, жамики роҳату фароғатдан кечиб машаққатлар чекишга ундовчи зарурият нима ўзи? Тараққиёт учун кураш эмасми?! Тараққиёт эса давр ва жамият юқорилаши учун қўйилган муҳим пиллапоя. Шундай пиллапояни қўймоқликка аслида ҳар биримиз қодирмиз. Бироқ бу учун улкан фидойилик, чуқур билим ва доимий изланиш керак бўлади. Ғулом Мадаминов яратган «FM Ал-иксир тарёғи» ана шундай изланишлар самарасидир. Бу дори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси — Фармакология қўмитасининг 2003 йил 27 июндаги баённомасига «FM eliksiri» номи билан киритилди. Қўмитанинг махсус қарорига кўра, бу дори воситаси «Сафро ҳайдовчи ва гепатопротектор» сифатида Ўзбекистон Республикаси тиббиёт амалиётида ишлатилишига рухсат этилди. Шунингдек, бу дорини Ўзбекистон ҳудудида кенг қўллаш республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан «Gilom Madaminbek» хусусий фирмасига шу йилнинг 5 сентябрида берилган шаҳодатномада ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

— Бундан анча йиллар аввал оғир хасталикка чалиниб қолдим, — дея хотирлайди у. — Бир ярим ҳафта ичида ўн саккиз килограммга озиб кетганман. Дўхтирлар ревматизм, ревмокардит, юрак пороги сингари ташхислар қўйишиб, узоқ даволашди. Бироқ, аҳволим ўнгланмасдан, бир неча бор клиник ўлимни ҳам бошдан кечирдим. Уч кун изоляторга ташлаб қўйишди. Яшаш иштиёқи нақадар кучли туйғу эканини ўшандаёқ англаб етдим. Шу воқеа сабаб бўлиб, ўттиз йилдирки, мен одам анатомияси, физиономияси, физиологияси, патологияси ташхиси, даволаш чоралари, дори-дармон турлари, шакллари, таркиби, хоссалари, қўлланиш усуллари билан боғлиқ илмий маълумотлар мантиқини мустақил ўқиб ўзлаштирдим. Шарқ табобати ривожига ҳисса қўшган улуғ зотлар қолдирган ижодий меросдан баҳраманд бўлдим. Ўтган йилларнинг ҳар бир куни, ҳар лаҳзаси интилиш ва изланишлар оралиғида кечди. Уринишларим бесамар кетмади. Мен ревматизм, ревмокардит, ревматик юрак пороги ва бошқа касалликлар учун ўзим кашф этган дори турларини аввал баъзи жониворларда, кейин эса ўзимда синаб кўрдим. Синовларим кутилганидан муваффақиятлироқ чиқди. Аниқ айтишим мумкинки, кишиларимизнинг доимо соғу саломат яшаб, узоқ умр кечиришларида бу дори воситаларининг таъсири беқиёс бўлиши шубҳасиз!

1

...Дарвоқе, инсоният олдида минг-минг йиллардан буён биргина савол кўндаланг туради. «Узоқ умр кўриш учун нима қилмоқ керак? Умрбоқийлик сирларини қаердан излаш лозим?» Бунинг учун кўплаб табиий ашёлардан фойдаланиб ҳам кўрилди. Ахир, одамлари юз йилдан ортиқ яшайдиган Хунза элатидагилар сингари овқат ўрнига мева шарбатларинигина ичиб юриш осон эмасда. Ёки кўп яшаш истагида бир неча суткалаб фақат оч юриб даволаниш ҳаммагаям маъқул келавермайди-ку. Таъми нақадар бемаза бўлмасин, тукли капалак қуртларининг «FM Ал-иксир тарёғи» бу борадаги муаммоларни ҳал этишда ижобий таъсир кўрсата оладими? У аслида қандай дори? Таъсир кучи нимада?

«Тарёқ — заҳарларга қарши ишлатиладиган жуда мураккаб таркибга эга бўлган дори» дейилади унинг хусусиятларига оид қўлланмада. Ва дорининг таъсир кучи ҳақида бирма-бир тушунча бериб ўтилади:

«...Иксирлар ювиб тозаловчидир, улар энг аввало касалликни келтириб чиқарган иллатларни бемор вужудини «тириклай» истеъмол қилувчилар Пекин шаҳрида анча-мунча топиларкан. Сабаби, бу митти жонивор танасида тирик ҳужайраларни ҳимоялаб, умрни 25-30 йилгача узайтира оладиган модда борлиги аниқланган. Йога машқларини ўрганиш ёхуд Тибет тиббиётига қайта-қайта мурожаат этилишидан кўзда тутилган мақсад ҳам узоқ яшаш истагидир.

Айниқса, экологик ҳолат ёмонлашаётган, жамики тирик мавжудотни коинотдан келаётган ультрабинафша нурларининг ҳалокатли таъсиридан сақловчи озон қатлами тобора юпқалашаётган, Орол денгизидан кўтарилаётган чанг ва туз зарраларининг шамол таъсирида минглаб километргача «учиб», аҳоли ҳаётига хавф солаётган бир пайтда ўз соғлигимиз учун курашиш ҳар қачонгидан кўра заруррок бўлиб қолди. Хўш, шундай экан, Ғулом Мадаминовдан даф этади, хасталикни даволайди, янги ҳужайра ва янги тўқималар ҳосил бўлишини тезлаштириб, ишдан чиққанларининг ўрнини қайта тиклайди, шунингдек, бошланиб келаётган касалликнинг олдини олади ҳамда соғлиқни мустаҳкамлайди. Бу иксирлар юрак, қон томирлари, жигар, ўт пуфаги, ўпка, талоқ, буйрак, қовуқ, ошқозон, ичаклар, нозик аъзолар, умуман барча аъзо ва тўқималарнинг озиқланиши, чиқиндилардан тозаланиши йўлларидаги тиқилмали тўсиқларни бартараф этади, уларни эритиб ҳайдайди, қон алмашинувини тезлаштириб, ич юришишини равонлаштиради... Дорининг таркибида бошқа қўшимча касалликни чақириш ёки бирор асорат қолдириши мумкин бўлган ҳеч қандай заҳарли ва зарарли моддалар йўқ!»

2

Иқтисодиёт ва ислоҳот

ШИРКАТ ВА МИНИБАНК

ёки «Пахта банк» Тошкент вилояти бошқармасида кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган минибанклар фаолияти хусусида

Банкларо «Ахборот рейтинг» компаниясининг яқинда эълон қилган иқтисодий таҳлилларига кўра «Пахта банк» — мамлакат банклари ичида молиявий фаолият жиҳатидан иккинчи ўринга чиқиб олди. Таҳлил ва хулосаларга кўра унинг Тошкент вилоят бошқармаси фаолияти ҳам ҳар жиҳатдан ибратли. Зотан, мазкур банк вилоятдаги ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг асосий омилларини белгилаб бермоқда.

Мижозлар иккиланмай «Пахта банк» акцияларини кўплаб харид қилмоқда. Улар сарфлаётган маблағлари эртага, албатта, қўшимча даромад келтиришини билишади. Келинг, яхшиси рақамларга мурожаат қилайлик: **2003 йил 1 июль ҳолатига кичик ва ўрта бизнес субъектларига берилган кредит қуйилмалари 2066267 минг сўмни ташкил этди, жумладан, тармоқлар бўйича қуйидагича: қишлоқ хўжалиги — 1389010 минг сўм, ёки 67,2%. Саноат — 390872 минг сўм ёки 18,9%. Қурилиш ва маиший хизмат кўрсатиш — 201754 минг сўм ёки 9,8%. Айланма маблағларни тўлдириш учун — 67519 минг сўм ёки 3,3% ва бошқалар — 17112 минг сўм ҳамда 0,8%.**

Ушбу берилган кредитларнинг 214780 минг сўми ёки 10,4% қисқа муддатга ва 1851487 минг сўми ёки 89,6% ўрта ва узоқ муддатларга ажратилган. Бевосита деҳқон ва фермер хўжаликларининг молиявий жиҳатдан ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун 895756 минг сўм кредит берилган ёки бу кўрсаткич жами берилган кредитларнинг 43,4%ини ташкил этади.

Маълумки, банк ўз фойдасини маҳсулотлар реализациясига кўра шакллантиради. Ҳисоб касса хизмати, кредит ажратиш ва унга кафолат бериш банк маҳсулотларидир. Бошқариш таъсирчанлиги ва унумдорлиги бевосита банк ресурсларидан фойдаланиш натижаларига таянган ҳолда аниқланади. Бошқариш жараёнида актив ва пассивлар айланмалари уйғунлашуви, омонат турлари ва маблағларни жойлаштириш турлари орасидаги нисбатнинг тўғрилиги — катта даромад олишда муҳим аҳамиятга эга.

«Пахта банк»нинг Тошкент вилоят бошқармаси мижозлар учун қўшимча қулайликлар яратиш ва хизматлар сифатини яхшилаш йўлида кўп жойларда ўз филиалларини ташкил этаётир. Ҳозир банкнинг Бўка, Бекобод, Юқори Чирчиқ, Чиноз ва Янгийўл туманларидаги қишлоқ жойларида ўнлаб минибанклар ишлаб турибди. Жами етти минибанк фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **«Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори талабларини бажариш мақсадида Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «Саксон ота», «Жамбул» ширкат хўжаликлари тугатилиб, улар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил қилинганлиги ва шу фермер хўжаликларига банк томонидан вақтида хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида АТ «Пахта банк»нинг Янгибозор бўлими қошида «Олға», «Жамбул» минибанклари очилганлиги қувончли ҳол.

«Хўш, нима бўпти? Минибанк очилса, очилибди-да,» — дегувчилар ҳам бор. Гап шундаки, бутун бошли «Саксон ота» ширкат хўжалиги бошқаруви жойлашган бино — «Олға» минибанки ихтиёрига берилди. Хўжаликка қарашли минг гектардан зиёд экин майдонида эса ўттиз битта фермер хўжалиги ташкил этилди.

Минибанк биноси жиҳозланиб, компьютер технологиси билан таъминланди. Айни пайтда бу ерда ҳисоб рақамлари очилган. 52 фермер хўжалиги банк хизматидан мамнун.

Тумандаги «Жамбул» ширкат хўжалиги негизида 721 гектар майдонда ҳам фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Ушбу хўжалик ўрнида вужудга келган фермер хўжаликлари ғаллачилик, пахтачилик, мева-сабзавотчилик борасида муайян ютуқларга эришмоқда. Ҳозиргача «Жамбул» минибанкида 50 та фермер хўжалиги ўз ҳисоб рақамларига эга. Банкнинг Чиноз, Янгибозор, Бўка, Зафар ва Гулбаҳор филиаллари таркибидаги минибанклар учун алоҳида бинолар ажратилиб, кўплари компьютер ва модем алоқаси билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонига мувофиқ, микрофирмаларга, кичик ва ўрта бизнес ташкилотларига банкнинг ўз маблағларидан берилувчи имтиёзли кредит жамғармаси ташкил этилди. Унинг мақсади — иқтисодиётнинг ривожланишида кичик ва ўрта тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектлар, деҳқон ва фермер хўжаликларига мақбул шароитларни яратиб бериш. Жамғарма ҳисобидан имтиёзли микрокредит ажратиш — аввало, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, энг муҳими, қишлоқ жойларида янги ишчи ўринларини яратишга мўлжалланган.

Янги ташкил этилган деҳқон ва фермер хўжаликларининг молиявий жиҳатдан ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида минибанк кредит қуйилмаси 2003 йил 1 август ҳолатига кўра 76110 минг сўмни ташкил қилди. Бу кредитларнинг 12670 минг сўми бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан молиялаштирилган. Имтиёзли кредитлар жамғармасидан берилган кредит миқдори эса 16500 минг сўмни ташкил этди.

Мазкур фермер ва хусусий тадбиркорликларга берилган кредитлар ўзининг ижобий натижасини бермоқда. Ҳар бир минибанкнинг 2003 йил учун даромад ва харажатлар лойиҳаси мавжуд. Уларнинг бажарилиши юзасидан бошқарма томонидан кунлик мониторинг ўрнатилган. Шу йилнинг етти ойи ичида минибанклардан жами 9705 минг сўм даромад ва 3883 минг сўм соф фойда олинди.

— Биз «Пахта банк»нинг доимий мижозимиз, — дейди Юқори Чирчиқ туманидаги **«Дўстлик» ширкат хўжалигида ташкил этилган «Мавлудахон» масъулияти чекланган жамият раҳбари Қобилжон Фозилов.** — Уч юз гектар экин майдонимиз бор. Асосан чорвачилик маҳсулотлари етиштирамиз. Ўтган йилнинг март ойи охирларида «Пахта банк»нинг Янгибозор бўлими томонидан икки йил муддатга 100 миллион сўмлик миқдорида кредит маблағи ажратиб берилди. Бу маблағнинг 50 миллион сўмига умумий тирик вазни 37 тонна бўлган 97 бош қорамол сотиб олдик. Қолган пулга эса 587 тонна озуқа харид қилдик...

— Ахир озуқани ўзингиз етиштирсангиз бўлмайдими?

— Бу борада амалий ишлар қиляпмиз. Силос учун 121 гектар ерда маккажўхори, 72 гектарда дон учун маккажўхори, 95 гектарда беда, ҳатто етти гектар ерда тариқ, 5 гектарлик лавлагимиз ҳам бор.

— Чорва аҳволи... Ютуқлар...

— Шу йилнинг олти ойида гўшт ва сутдан 34,5 миллион сўм тушум бўлди. Соф фойда 4 миллион сўмни ташкил этди. Бунинг устига 31 киши янги иш жойига ҳам эга бўлди.

— ПЭТ идишларида минерал сув ишлаб чиқариш учун ускуналар сотиб олиш ва цех қурилиши учун 130000 минг сўм миқдорида ўрта муддатли кредит олгандик, — дейди **Паркент тумани, Заркент қишлоғи ҳудудида жойлашган «Валигул» масъулияти чекланган жамият раҳбари Раҳимжон Ризаев.** — 2002 йилнинг май ойида цех қурилиши ва сотиб олинган ускуналарни ўрнатиш ишлари тўлиқ якунланиб, 1 литрлик ПЭТ идишларида минерал сув ишлаб чиқаришни бошлаб юбордик. Улардан тушган тушумлар ҳисобига 2003 йилнинг январь ойидан бошлаб салқин ичимликлар тайёрлашни ҳам амалга оширдик. Ҳозиргача 86200 минг сўмлик маҳсулот тайёрладик. Яъни, шунча миқдорда 1 литрлик ПЭТ идишларида «Заркент» минерал суви ва «Кола», «Олма», «Апельсин», «Дюшес», «Малина» номлари билан турли хилдаги салқин ичимликлар қуйилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Цех ишга туширилган кундан бошлаб, шу кунга қадар истеъмолчилардан 79500 минг сўм маблағ жамият ҳисоб рақамига келиб тушди. 25 та янги иш ўрни барпо этилди.

Кредит учун ҳисобланган фоизлар ўз муддатларида тўлаб борилиши билан бирга — июнь ойидан бошлаб, асосий қарз ҳам қисман қайтарилмоқда. 2003 йил 1 июль ҳолатига кўра асосий қарздан 6000 минг сўми қайтарилди ва кредит бўйича қолдиқ 124000 минг сўмни ташкил этди.

Июль, август, сентябрь ойларида салқин ичимликларга бўлган талаб юқори бўлишини ҳисобга олган ҳолда, шу давр мобайнида асосий кредит қарзларнинг 50000 минг сўмини қайтаришни режалаштирганмиз. Ваҳоланки, банк билан тузилган кредит шартномасида эса 2003 йил охиригача атиги 15000 минг сўм кредитни қайтаришимиз кўзда тутилганди.

Ниятимиз — кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва шу орқали юртимиз фаровонлигига салмоқли ҳисса қўшишдир.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Мактаблару боғчалар ёпилади, агар...

«Новости» агентлигининг хабар беришича, Петропавловск-Камчатскийдаги барча мактаблару болалар боғчалари ёпилиши мумкин, агар шу ҳафтадан эътиборан уларда иситиш тармоғи ишга туширилмаса.

Камчатка вилоятининг бош санитария врачи Наталья Зарайченкованинг айтишича, давлат санитария эпидемиология назорати вилоят ва шаҳар маъмуриятидан ҳаво бунданда совушини кутиб ўтирмай шу ҳафтанинг ўзидаёқ барча мактаблару боғчаларда иссиқлик тармоғини ишга туширишларини талаб этди. Акс ҳолда шу ҳафтанинг пайшанбасидан улар ёпиб қўйилади.

Зарайченкованинг сўзларига қараганда, мактабларда, болалар боғчаларида ва даволаш муассасаларида шу кунларда ўртача ҳарорат 12-14 даражани ташкил этмоқда. Бу меъёрдагидан (18-20 даража бўлиши лозим) анча паст бўлиб, ўткир респиратор касалликлари тарқалишига замин яратмоқда.

Шуниси ачинарлики, 3-6 ёшлилар орасида касаллик тарқалиши эпидемия ҳолатига етиши учун атиги 14,8 фоиз қолди, холос. Катта ёшдагилар орасида бу кўрсаткич 25,1 фоизни ташкил этади.

«Мактаб ва боғчалар, шунингдек, айрим касалхоналарни ёпиш оғир оқибатларга олиб келишини биз ҳам яхши тушунамиз. Лекин ўткир респиратор касалликлар, эпидемияси болалар орасида тарқалишига йўл қўя олмаймиз» деди бош санитария шифокори.

Тафсилот

ЧЕЧЕНИСТОН: ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВЛАРИ

Якшанба куни Чеченистонда президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ердаги кўпгина мактабларда ўқувчилар 30 октябрдан эътиборан режадан ташқари таътилга чиқарилган. Сабаб: мамлакатда ташкил этилган 425 та сайлов участкасининг деярли 90 фоизи мактабларда жойлашган. Шунинг учун, дейилади Gzt.Ru сайтидаги ахборотда, хавфсизлик чораларини таъминлаш мақсадида 7 октябргача ўқувчиларни таътилга чиқаришга қарор қилинди.

«Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, 5 октябрь куни сайлов участкаларига яқин йўлларда автотранспорт қатнови тўхтатилди. 2 октябрдан эса Грозний шаҳрига юк машиналари кириши тақиқланган. Бироқ, Чеченистон ИИВ матбуот котиби Руслан Ацаев шуни алоҳида таъкидладики, кўчаларда йўловчи автобуслари, «маршрутка» ва таксилар ҳаракати чеклангани йўқ. Бундан ташқари Чеченистон Ички ишлар вазирлиги сайлов участкаларида хавфсизликни таъминлаш учун 16 минг ходимни жалб этди. Улар сайлов участкаларини қўриқладилар, кўчаларда, йўлларда ва аҳоли яшаш жойларида патруллик хизматини бажардилар. Бу эса ўз ўрнида жангарилар томонидан террорчилик актлари содир этилишининг олдини олди, сайловлар тинч ўтишига замин яратди.

Эслатиб ўтамиз: сентябрь ўрталарида Россия ички ишлар вазири Борис Грызлов Чеченистонда президентлик сайловлари кампанияси даврида жангарилар террор содир этиши мумкинлиги ҳақида маълумот борлигини ошкор этган эди. Ва бунинг олдини олиш борасида вазирлик яхшигина тажрибага эга эканлигини, яъни 23 март кунги Конституция референдуми пайтида ҳам террорга йўл қўйилмаганини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, Чеченистонда президентлик сайловлари тинч ўтди. Сайловнинг дастлабки натижаларига кўра, республика раҳбари Аҳмад Қодиров номзодига овоз берганлар кўпчиликни ташкил этади — 85,6 фоиз. Чеченистонда қабул қилинган тартиб-қоидага кўра, 50 фоиздан ортиқ овоз олишга эришган номзод лавозимга сайланган ҳисобланади. Рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг сони 544749 кишини ташкил этган бўлса, уларнинг 90 фоизи сайловда қатнашди.

Бошқа номзодлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, Абдулла Бугаев — 5,4 фоиз, Шамил Бураев — 3,4 фоиз, Ҳусайн Бийбулатов — 1,7 фоиз, Кудус Садуев — 1 фоиз, қолган икки номзод эса 1 фоиздан ҳам кам овоз олди. Республика сайлов комиссияси раиси Абдул-Карим Арсахановнинг айтишича, иккинчи тур сайловлари ўтказишга асос йўқ. Дастлабки натижалар шуни кўрсатмоқдаки, президентликка Аҳмад Қодиров номзоди ўтишига умид бор. Буни сайловнинг сўнгги натижалари ҳам тасдиқлаши аниқ бўлиб турибди.

Алимбек ТОШБЕК тайёрлади

«Мўзлатиш»га рози

Расмий Пхеньян ўзининг ядро дастурини амалга оширишдан воз кечиши мумкин, қачонки Шимолий Корея хавфсизлигини таъминлашга кафолат берилса. Бу ҳақда БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг Шимолий Корея масалалари бўйича маслаҳатчиси Морис Стронг Корея Халқ Демократик Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Чо Су Хон билан олиб борган музокарадан сўнг Reuters журналистларига хабар қилди.

Кўпайиб бормоқда

Одамда иммунитет танқислигига сабабчи вирус (ВИЧ) ва орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (СПИД) эпидемияси Россияда кўпайиб бормоқда. Расмий маълумотларга қараганда, мамлакатда ВИЧга чалинганлар сони 250100 кишига етди. Россия Тиббиёт фанлари академиясининг академиги, СПИДга қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича федерал марказ раҳбари Вадим Покровскийнинг айтишича, шу йилнинг ўзидаёқ 20000 киши ВИЧга чалинган.

Яна икки йилдан сўнг, дейилади «Новости» ахборотида, 50000 бемор ВИЧдан даволанишга мажбур бўлади. «ВИЧга чалинганларни текшириш ва уларни даволаш ишларини вақт ўтказмай бошлаш лозим» дейди академик Покровский. Фақат бу ишни давлат томонидан молиялаштиришда муаммо юзага келмоқда.

Келгуси йилда бу борадаги барча дастурларни амалга ошириш учун 115 миллион рубль маблағ ажратилган. Шу ўринда айтиш лозимки, биргина касални даволаш учун йилига 10 минг доллар талаб этилади. Покровскийнинг айтишича, бугунги кунда 3-4 минг россиялик даволанишга муҳтож. Бюджетдан ажратилган пул эса бир йилда 300-500 кишини даволашга етади.

Бугунги кунда ВИЧнинг тарқалишида ўзгаришлар юз берган. Россия Федерациясининг бош давлат санитария врачи Геннадий Онищенко берган манбаларга таяниб, Associated Press агентлиги хабар беришича, жинсий йўллар билан ВИЧни ўзига юқтирганлар сони ўтган йили икки баравар, яъни 12 фоизга ортган. 2001 йилда бу кўрсаткич 6 фоизни ташкил этган эди. ВИЧ инфекцияси юққан оналардан фарзандлар туғилиши эса кўпайиб бормоқда.

Расмий статистик ҳисоб-китобларга қараганда, 250100 киши ВИЧни ўзига юқтирган бўлса, улардан 800 нафари СПИДга чалинган, 3656 киши эса шу касаллик туфайли оламдан кўз юмган. Айрим манбаларга кўра, ВИЧга чалинганлар сони 1,5 миллионни ташкил этиши ҳам мумкин экан.



Вашингтон кўчаларида

Рўйхатга киритилди

АҚШ маъмурияти Шри-Ланкада фаолият юритаётган «Тамил ва Лама озодлик йўлбарслари» ташкилотини «хорижий террорчи ташкилотлар» рўйхатига киритди. Бу ҳақда АҚШ давлат департаменти матбуот котиби Ричард Баучер маълум қилди, дейилади Reuters агентлиги ахборотида.

«Тамил ва Лама озодлик йўлбарслари» ташкилоти тинчликни қарор топтириш жараёнида Шри-Ланка ҳукумати билан ҳамоҳанг фаолият кўрсатаётган бўлишига қарамай, ташкилот барибир террорчилик ҳаракатларини режалаштириш ва амалга оширишдан ўзини тиймаяпти. Шунинг учун қачон террордан воз кечса рўйхатдан ўчирилиши мумкин», деди Баучер.

Вертолётларнинг янги авлоди

Жанубий Корея 2012 йилгача вертолётларнинг 500 та авлодини яратиш учун 12.75 миллиард доллар маблағ ажратишга қарор қилди. Бу вертолётлар мамлакат армиясининг эскириб қолган вертолётлари паркини янгилаш имконини беради, дейилади Reuters агентлиги ахборотида.

Тушлик пайтида мумкин эмас

Хитой телеканалларида тушлик пайтида аёлларнинг гигиеник воситаларини, шунингдек, бавосилга қарши ишлатиладиган суртмалар сингари айрим тиббий препаратларни реклама қилиш тақиқланди.

BBC Newsнинг хабар беришича, Хитой телевидениесининг яна бир янгилиги шундан иборатки, таъсир кучи шубҳали бўлган ва синалмаган дори-дармонлар рекламасидан ҳам эндиликда воз кечилади.

Халқаро Дон Кенгашининг аниқлашича...

International Grain Council, яъни Халқаро Дон Кенгаши 2003-2004 йиллар мавсумида дунё бўйича буғдой етиштириш ҳақида аввалдан қилинган ҳисоб-китоблар яна 1 миллион тоннага қисқаришини маълум этди, дея хабар берилади «Газета.Ru» сайтидаги ахборотда. Шундай қилиб бу йил 556 миллион тонна буғдой ҳосили йиғиштириб олиниши мумкин. 2002-2003 йили эса бу кўрсаткич 566 миллион тоннани ташкил этган.

Маълумотларга қараганда, Европа Иттифоқига кирувчи давлатларда, Россия ва Украинада бу йил ҳосил ўта паст даражада. Сабаб: мавсумда қурғоқчилик юз берди.

Шунингдек, ем-хашак етиштириш ҳам режадан 9 миллион тонна кам бўлади, яъни 893 миллион тоннага етади, холос. Ўтган йили бу кўрсаткич 877 миллион тоннани ташкил этган.

КАШФИЁТИ

ҲАЁТБАХШ ТАЪСИРИ

— Инсон танасида қуруқ, иссиқ, хўл, совуқ мижозлар асосан хилтлардан юзага келишини қадимги табиблар ёзиб қолдиришган, — дейди Ғулом Мадаминов. — Хилтлар жигарда пайдо бўлади. Жигар соғлом бўлса, хилт соғлом бўлади. Хилт соғ экан, вужуд ҳам соғломдир. Бизнинг иксирларимиз мўътадиллигини йўқотган хилт ва мижозларни ислоҳ этиб, қайта мўътадиллаштиради...

Маълумки, амалда қўлланилаётган ҳар қандай дорининг куч-қудрати энг аввал хасталикни тузатиш жараёнида намоён бўлади. Шунинг сингари, табиб фаолиятига энг холис баҳони бергувчилар ҳам беморлардир. Мен Ғулом Мадаминов яратган дориларидан шифо топган кўпгина беморларнинг миннатдорчилик билдириб ёзган мактубларини ўқишга ва уларнинг айримлари билан суҳбатлашишга муваффақ бўлдим.

«Буйракларимда оғриқ қўзғалса, ҳеч чидолмасдим. Бу касаллик сурункали тус олиб, менга кўп азоб берди. Дорини қабул қилганимдан сўнг оғриқлар қолди. Буткул соғайдим» (А.Иноғомов, Тошкент шаҳри).

«Аёлларнинг ўсма хасталиги билан оғриб, ҳатто операцияга рози бўлгандим. Менга бир танишим табибнинг дориларидан ичиб кўришимни маслаҳат берди. Муолажадан сўнг мўъжиза юз берди десам, муболаға бўлмайди. Соппа-соғ ҳолда болаларим ёнига қайтдим» (Мирзейнаб Абиева, Юнусобод тумани).

«Ўн икки бармоқли ичакларимдаги яра очилиб кетгач, дўхтирлар мени операцияга буюришди. Ёшлигимда кўп марта жарроҳлик столига ётганим учун, юрагим дов бермади. Ғ.Мадаминовнинг дориларини қабул қилганимдан сўнг жоним роҳат топди, яраларим битиб кетибди...» (Б.Исломов, Шайхонтоҳур тумани).

«Сурункали бронхит, астма, буйрак, ошқозон оғриғи, юрак соҳасида тез-тез санчиқ туриши ва бошқа кўпгина хасталиклардан фориғ бўлганим учун мен Ғулом Мадаминовга ташаккур билдираман» (Г.Ишмиев, Тошкент шаҳри).

Бир нарсани айтиш жоиз. Бугунги кунда кишиларни даволаётган табиблар хусусида кўпчилик ҳар хил фикрда юради. Баъзи бировлар уларнинг муолажа услубларини қўллаб-қувватласа, айримлари эса «Э, ҳаммаси бўлмаган гап!» дейиши мумкин. Тўғри, фақат ўз манфаатини кўзлаб иш юритгувчи табиблар бор-да. Лекин, биз Ғулом Мадаминов ҳақида бу тарзда фикрласак, қаттиқ янглишган бўламиз. У ўз суҳбатларидан бирида шундай дейди:

— Мен яратган дорилар хосияти ошкор бўлгач, атрофимда таниш-нотаниш «ишбилармон»лар кўпайиб қолди. «Сизни хорижга жўнатайлик, у ерда тезда миллиардерга айланасиз» дейишди. Йўқ, кўнмадим. Чунки, менинг аниқ мақсадим бор. У ҳам бўлса кўп йиллик изланишларим натижасини шу она юрт одамларининг соғлиги, фаровонлиги ҳамда ўлкамизнинг гуллаб-яшнаши йўлида сарф этишдан иборат. То умрим сўнгига қадар ана шу эзгу мақсад учун курашавераман.

Ғулом Мадаминовнинг айтишича, ҳар бир табиб ўз зиммасидаги масъулиятни тўлиқ ҳис этиши, инсон жонининг қадру қимматини билиши зарур. Агар у табиат, табобат, доришунослик, фалсафа ва мантиқ илмини билмаса, даволашнинг энг самарали чора-тадбирларини мужассамлай олмайди. Иллатнинг асл моҳиятини билмаган табиб беморга тўғри ташхис қўя олармикин? Асло! Бундай ҳолда унинг қўллаган муолажаси ҳам кутилган натижани бериши гумон. Афсуски, «табибман», деб юрганлар орасида табобат илмидан мутлақо хабарсиз, ўз тавсиялари оқибатини ўйламай, таваккалчилик ҳисобига кун кўриб юрганлари ҳам оз эмас.

Манфаат хусусида кўп гапирамиз. Агар ҳар биттамиз фақат ўз манфаатларимизни кўзлаб яшасак борми, у ҳолда жамият ҳаётида силжиш бўлмасди. Умуминсоний манфаатларни ўйлаб риёзат чекадиган инсонларнинг кўплиги учун ҳам биз шиддат билан илгарилаяпмиз! Бу нарса Ғулом Мадаминов фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. У ўзи яратган дори воситаларини биологик ва клиник синовларга йўллаётганида фақат биргина эзгу ниятни дилига жо этди. «Вақти келиб бу дорилар барча дорихона токчаларидан жой эгалласаю уларнинг шифобахш таъсир кучидан жуда кўплаб беморлар даво топсалар қанийди!» дея ўйларди у. Ана шу мақсадда Ғулом Мадаминов ўтган йилнинг куз ойларида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш бош бошқармаси — Фармакология қўмитасига хат орқали мурожаат этди. «FM Ал-иксир тарёғи» юзасидан амалдаги тартибда химик ва биологик текширишлар ўтказилди. Мутасадди экспертларнинг ижобий хулосалари олинди. Ушбу дориворларни клиник синовдан ўтказилишига рухсат беришларингизни илтимос қиламан...» дея сўраганди у. Батафсил маълумотлар баён этилган бу хат тезда инобатга олинди. 2003 йилнинг январидаёқ клиник синовлар дастури тузилди. Ғулом Мадаминов яратган дори воситалари республикадаги учта йирик институт клиникаларида илмий ва амалий синовлардан ўтди.

Тошкент Педиатрия институти 2-клиникасидаги синовлар давомида гепатитнинг ўткир В тури билан хасталанган 18 ёшдан 64 ёшгача бўлган 30 нафар беморлар ҳамда сурункали гепатитга чалинган турли ёшдаги 65 та беморлар айнан шу дори кучи билан тезда соғайгани маълум бўлди.

Институт томонидан берилган хулосаларда «FM Ал-иксир тарёғи» сафро ҳайдовчи ва гепатопротектор (жигар ҳужайраларига ижобий таъсир қилувчи) препарат ҳамда иммуномодулятор сифатида вирусли гепатитнинг ўткир ва сурункали В турини даволашда қўлланилиши зарурлиги баён этилди.

Республика Гастроэнерология илмий Маркази (директори профессор М.Рустамова) 3-клиникасида сурункали холециститга чалинган 45 та беморда қўллаб кўрилгач, бу дори воситалари «Сафро ҳайдовчи ва гепатопротектив препарат» деб тан олинди.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

(Давоми келгуси сонда.)

Спорт

КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ



Ўтган шанба куни пойтахтимизда аёллар ўртасида WTA Tour тоифасига кирувчи анъанавий «Tashkent open» халқаро турнири бошланди. Мукофот жамғармаси 140000 АҚШ долларини ташкил қилувчи ушбу мусобақада дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган кучли ракеткачилар қатнашмоқда.

Дастлаб 1996 йилда мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан оддий «Chellenjer» туркумидаги мусобақа сифатида ўтказилган бу турнир қиска фурсатда жаҳоннинг энг обрўли ва нуфузли баҳсларидан бирига айланди.

Мамлакатимизда теннисниг ривожланишига катта ҳисса қўшаётган мазкур мусобақада WTA Tour таснифининг Петра Мандула (Венгрия), Эммануэль Галиарди (Швейцария), Саори Обата (Япония), Флавия Теннетта (Италия), Виржиния Руано Паскуаль (Испания), Жил Крайбас (АҚШ) сингари энг сара теннисчиларининг кортга чиқаётганлиги ҳам фикримиз далилидир. Айни пайтда халқаро майдонларда тобора шуҳрат қозонаётган ҳамюртимиз Ирода Тўлаганованинг дунёга танилишида ҳам «Tashkent open»нинг ўз ўрни бор, албатта. Ирода 2000 йилда ўтказилган мусобақада муваффақият қозониб, бош совринни қўлга киритганди. Мухлислар юртимиз ифтихорига айланган моҳир теннисчини бу галги баҳсларда ҳам кортга чиқишини жуда-жуда исташганди. Бироқ, мусобақа қатнашчилари рўйхатига киритилган Ирода олдинги турнирда орттирган жароҳати боис, «Tashkent open»ни томошабинлар қаторида кузатишдан бошқа чора тополмади.

Ёш теннисчиларимиз учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаётган мазкур мусобақанинг бу галги баҳсларида Оқгул Омонмуродова (дунё таснифида 396-ўрин) ҳамда Иванна Исроилова(510)-лар юртимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Қураъга кўра, бугун ўтадиган дастлабки давра учрашувларида Оқгул турнирнинг биринчи ракеткачиси Петра Мандула (Венгрия)га қарши кортга чиқади. Иванна эса хитойлик Жей Зенг билан баҳс юритади.

Эркин ХОЛБОБО,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Суратда: турнир иштирокчиси италиялик Татъяна Гарбин.

УЧИНЧИ ЎРИНГА УЧ ДАЪВОГАР

Яна тўрт турдан сўнг олий лига жамоалари Ўзбекистон XII чемпионати баҳсларига якун ясашади. Ўтган шанба куни эса 26-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Бу йилги ўйинларни кўтаринки рухда ўтказаётган пахтакорчилар муддатидан олдин чемпионликни нақд қилишди. Улар сўнгги турда Самарқанд динамочиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, очколари сонини 71 тага етказиб олди.

Ўтган турда пахтакорчиларни 1:0 ҳисобида енгган Термизнинг «Сурхон» футболчилари бу сафар «Нефтчи»га ўз майдонида ютқазиб қўйди — 1:3. Бу ғалабадан сўнг Саркисян шогирдлари мамлакат чемпионатининг кумуш медалига муносиб эканликларини яна бир карра исботлашди.

Энг қизғин кураш эса бронза медали учун бормоқда. Айни пайтда 3-ўрин учун бир йўла «Насаф», «Қизилқум», «Навбаҳор» жамоалари даъвогарлик қилмоқда. Шу ўринда Наманганнинг «Навбаҳор» футболчиларининг имконияти яхшироқ эканлигини айтиб ўтиш керак. Чунки улар бошқа жамоаларга нисбатан битта ўйин кам ўтказган. Ушбу турда эса «Насаф» сафарда мавсум аутсайдери «Гулистон» жамоасини (2:1), «Навбаҳор» эса Қувасойда «Цементчи»ни (2:0) мағлуб этди. «Қизилқум» (Зарафшон) футболчилари «Қўқон-1912»ни йирик ҳисобда доғда қолдирди — 5:1.

Қолган ўйинлар қуйидагича якунланди: «Машъал» — «Бухоро» — 3:0, «Металлург» — «Андижон» — 3:1, «Дўстлик» — «Трактор» — 2:0.

Навбатдаги тур учрашувлари 17 октябрь куни ўтказилади.

26-турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	**26**	**23**	**2**	**1**	**78-19**	**71**
2. «Нефтчи»	**26**	**21**	**1**	**4**	**73-31**	**64**
3. «Қизилқум»	**26**	**16**	**3**	**7**	**55-26**	**51**
4. «Насаф»	26	16	3	7	51-36	51
5. «Навбаҳор»	25	15	5	5	49-22	50
6. «Машъал»	26	12	4	10	42-33	40
7. «Сурхон»	26	10	4	12	28-45	34
8. «Андижон»	26	8	6	12	30-34	30
9. «Дўстлик»	26	9	3	14	34-50	30
10. «Самарқанд-Д»	26	9	2	15	34-41	29
11. «Бухоро»	25	8	2	15	38-48	26
12. «Металлург»	26	7	5	14	31-57	26
13. «Цементчи»	26	6	7	13	33-54	25
14. «Қўқон-1912»	26	8	0	18	36-62	24
15. «Трактор»	**26**	**6**	**4**	**16**	**34-58**	**22**
16. «Гулистон»	**26**	**6**	**3**	**17**	**21-55**	**21**

Экология: муаммо ва ечим

«АСР МАВЗУСИ» ЎЗГАРАДИМИ?

Бугунга келиб яшаш муҳитини сақлаб қолиш масаласи «аср мавзуси» сифатида дунё ҳамжамиятининг диққат марказида турибди. Ишлаб чиқариш жараёнлари туфайли атроф-муҳитнинг ифлосланиши нафақат келажак авлодга нисбатан жиддий хавф, таҳдид солибгина қолмай, балки ҳозирги куннинг ижтимоий талафоти ҳамдир.

Кўп бор бу ҳақда айтилаяпти: сўнгги 100 йил мобайнида инсоният энергия ресурсларини минг марта оширди, инсоннинг табиатга бўлган салбий таъсири ҳам ошиб борди. Баъзи тараққий этган давлатларда ишлаб чиқаришда чиқиндилар ҳосил бўлиши икки мартага ортди. Ишлаб чиқариш табиатдаги 100 шартли бирликдаги моддаларни олиб, ўрнига бор-йўғи 3-4 шартли бирликдан фойдаланади, қолганларини эса зарарли моддалар ва чиқиндилар сифатида ташлаб юборади.

XX асрга келиб цивилизация ривожланган сайин, ҳамма нарсага, ҳатто табиатга бўлган муносабат ҳам ўзгарди, дунёни ҳалокат ёқасига олиб келиши мумкин бўлган экологик муаммоларни келтириб чиқарди, яъни бир ёқлама технократик сиёсат ҳукмронлик қилди. Моддий манфаат кўриш мақсадида минг йиллик этно-экологик маданият, тарихий қадриятлар унутилди.

Курраи заминимизда XXI асрда экологик мувозанат шу даражага етдики, энди жаҳон ҳамжамияти атроф-муҳит муҳофазаси, жамият билан табиатнинг узвий ривожланиши доирасида экологик маданиятни аниқ йўналишда шакллантиришга бутун эътиборни қаратишга мажбур бўлди. Чунки, наинки, одамзод бутун борлиқ учун экологик ҳалокат таҳдид сола бошлади. 2002 йилда Йоханнесбургда барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган Бутунжаҳон саммитида инсоннинг табиатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, инсоннинг табиатдан «фойдаланиш маданияти»ни шакллантириш масалаларига тўхталди.

Йоханнесбург концепциясидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга ошириляпти. Яқинда «Экосан» халқаро жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда экологик муаммолар ечимини топишда маданият ва маърифатнинг аҳамияти, Марказий Осиё халқларининг табиатга бўлган муносабатининг тарихий негизи асосида аҳоли орасида экомаданиятни кучайтириш мақсадида «Экология, маънавият, маданият: тарих ва замонавийлик» мавзусида халқаро анжуман ўтказди.

Халқаро анжуманда иштирок этган ўнлаб хорижий вакиллар: «Юртингизда экомаданиятнинг туб илдизлари, мустаҳкам томирлари мавжуд» деган фикрни такрорладилар. Айтмоқчимизки, халқимиз азалдан покдамон, ораста, покизалик асосида ҳаёт тарзи юритганлар. Ва шундай бўлиб келган, қолади.

Анжуман қатнашчилари халқимизнинг экологик тажрибаси, урф-одатларини, анъаналарини тиклаш борасида тавсиялар бердилар, ёшлар онгида экологик тафаккурни шакллантиришга қаратилган таълим-тарбия масаласи ҳам кўпчиликни фикр-мулоҳаза, баҳсга чорлади.

Дунё халқлари «аср мавзуси»нинг ечимини турли кўринишдаги чора-тадбирлар билан ечишга, ижобий томонга ўзгартиришга ҳаракат қилмоқдалар. «Аср мавзуси»ни ўзгартириш, бизнингча, ҳар биримизнинг онги-шууримизда табиатга, борлиққа меҳр-шафқат ҳиссини ортиши билан ўзгаради.

Зеро, ҳар биримиз табиатни авайлаш, тафаккуримизда юксак экологик маданиятга эришиш билан она сайёрамизнинг омонлиги учун қайғурган бўламиз.

Саида САЙХУН

Санъат

Москвадаги Кремль саҳнаси ҳамма мусиқачилар учун ҳам ўз эшикларини очавермайди. Аммо В.Успенский номидаги мусиқа академик лицейи олтинчи синф ўқувчиси Тамила Салимжоновага бу борада омад кулиб боқди — у хориждаги илк сафарида Москва Кремлининг "Оружейная палата"сида концерт бериш бахтига муяссар бўлди.

КРЕМЛДАГИ ҒАЙРИОДДИЙ КОНЦЕРТ

Жаҳоннинг энг машҳур музейларидан бирида ўтган концерт Владимир Спиваков халқаро хайрия фонди томонидан ташкил қилинди ва унга Ўзбекистон, Украина, Грузия каби мамлакатлардан ёш мусиқачилар таклиф этилди. Тамила Салимжонова эса Москвадаги концертга қўшимча тарзда Россия халқ артисти, кўплаб халқаро кўриклар совриндори ва А.Чайковский номидаги халқаро кўрик ҳайъати раиси, профессор Владимир Крайневдан пианино сабоқларини олишга ҳам муяссар бўлди.

— Тамила сафардан катта таассурот олди, — деди қизи билан Москвага ташриф буюрган Нигора Суннатовна. — Тарих ва гўзалликни ўзида мужассамлаштирган бу ажойиб саҳнада ўз санъатини ижро этиш барча мусиқачилар, айниқса, қизим каби бошловчилар учун катта шараф.

Москвада Тамила учун қўшимча маданий дастур ҳам ташкил қилинди. Салимжоновалар оиласи россиялик машҳур ижрочилар Тигран Алиханов ва Александр Мндонянц концертларида бўлиб, Москва музейлари ва Россия пойтахтидаги тарихий-маданий ёдгорликлари билан танишишди.

Олег ШАТУНОВСКИЙ,
«Жаҳон» АА мухбири

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)
MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI
BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)
VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 26-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98
MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
Navbatchi Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 961
7662 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.30
2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

АДИБ ЁДИ

Фарғонада машҳур адиб ва шоир Асқад Мухтор хотирасига бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди. Маълумки, у мустақиллигимизнинг ўн икки йиллиги арафасида Президент Фармонига мувофиқ «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган эди. Шу муносабат билан адиб туғилиб ўсган Фарғона шаҳридаги Янгисой маҳалласида хотира йиғилиши бўлди. Шу ерда Асқад Мухтор номига қўйилган кўча бошига мармар лавҳа ўрнатилди. Фарғоналик адабиёт, илм-фан намояндалари, унинг сафдошлари, шогирдлари улуғ шоир ҳақидаги ўз хотираларини сўзлаб бердилар. Фарғона шаҳридаги адиб ўқиган 1-мактаб, «Аския» дам олиш масканида ўтказилган учрашувларда ҳам адиб хотираси ёд этилди. Унинг асарлари асосида яратилган саҳна асарларидан парчалар ижро этилди. Шоирлар устозга бағишланган шеърларини ўқидилар.

— Асқад Мухтор Фарғона фарзанди, ўз диёрига кўплаб асарлар бахшида этган буюк шоир ва носир эди, — деди таниқли адиб, Олий Мажлис депутати Йўлдош Сулаймон. — Бугун биз ҳамюртимиз хотирасини ёд этар эканмиз, унинг хизматларини муносиб баҳолаган Юртбошимизга ҳам ташаккуримизни изҳор этамиз.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Мўйқалам соҳиблари

РАНГИН ЛАҲЗАЛАР



Инсон маънавий оламидаги санъатга бўлган эҳтиёж абадий сақланиб қолади. Гўзаллик, уни таранум этган шеър, қўшиқ, ҳикоя ва суратлар ҳамиша қалбимизга бир нур олиб киради. Эзгулик ниҳолларини қадайди. Ҳаётга, бетакрор мўъжиза, табиатга меҳр-муҳаббат уйғотади.

Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси, истеъдодли мўйқалам соҳиби Муҳаммадиёр Тошмуродов томонидан ишланган суратлар томошабин нигоҳида гавдаланар экан кимдир ортда қолган болалигига, соғинч соҳили бўлган қишлоғи унинг оддий, беғубор одамларини кўз олдига келтиради. Хотирот уммони чайқалиб, унда ҳайқираётган уйғоқ тўлқинлар жисмингизда битмас армон, изтироб, умид, орзу учқунларини алангалатади.

Рассом қаламига мансуб «Суҳбат» (1991), «Мақом», «Кўҳна Урганч» (1992), «Бахши» (1997) каби асарларда халқимизнинг ўзига хос томонлари ифода этилади. Мусаввиф ўзбек қишлоқларининг энг кичик деталларини ҳам суратларида кўрсатиб боришга уринади. Бахшининг юрак қўридан қайнаб чиқаётган, асрлардан асрларга ўтиб, аксадо бераётган ўлмас достонлари «Бахши» суратида ўз ифодасини топган. Унинг қўлидаги дўмбирасидан таралаётган нола бутун оламни чулғаб олганлиги жонли рангларр орқали тасвирланган. Мовий осмон, балқиган ой, унга қўйилган хаёл нарвонлари инсон заковатининг юксакликка интилиш онлари ҳақида ҳикоя қилади.

«Суҳбат» суратидаги ўзбек аёллари, халқимиз учун муқаддас саналадиган ризқ-рўзимиз манбаи ҳисобланадиган тандир турли бўёқларда ифода этилади. Бу суратни кўрган ҳар бир инсон ёдига муштипар онаси, тандир қучоқлаб нон узаётган ўзбек аёли, иссиқ кулчани олиб ариқ томон югураётган болалик, унинг кўзларига сиққан мовий осмон келади.

Ўзбек мўйқалам усталари орасида ўзига хос ўрин тутадиган, иқтидорли рассом Муҳаммадиёр Тошмуродов турли йилларда дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилган симпозиумларда иштирок этиб, ўз асарларини намойиш этди. Қозоғистон, Қирғизистон, Болгария, Россия, Италия каби мамлакатлардаги кўргазмаларда рассом ижодига юқори баҳо берилди.

Бугунги кунда унинг асарлари жаҳоннинг турли музейларида сақланмоқда. Истеъдодли мусаввир эса ўз изланишларини давом эттириб, қатор суратлар устида ишламоқда. Ўзбек халқининг миллий хусусиятлари, қадриятларини ижодкорлик нуқтаи назаридан ўрганиб, тадқиқотлар олиб бормоқда. Рангин лаҳзалар эса умр йўлларини ёритишига, ундан таралаётган зиё минглаб қалбларни ҳайратлантиришига ишонамиз.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

ЎЗБЕК САНЪАТИ ВА МАДАНИЯТИ НАМОЙИШИ

Ҳиндистон Халқаро маркази санъат асарлари галереясида «Ўзбек рассомлари асарлари ва халқ амалий санъати намуналари кўргазмаси» очилди. Унда республикамизнинг қатор мўйқалам усталари ижодий ишлари, ўзбек миллий либослари, сополлар чинни буюмлар, гиламлар ва бошқа халқ амалий санъати намуналари намойиш этилди.

— Мен бир неча бор Ўзбекистонда бўлганман ва ҳар сафар юртингиздан янгидан-янги ва унутилмас таассуротлар билан қайтаман. Бугун Деҳлида ўзбек халқининг ўзига хос ва нафис санъати, бой маданияти билан яна бир бор ошно бўлиш бизни беҳад мамнун этади, — деди Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Р. Абьянкар тадбирни очар экан.

Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси И.Мавлонов ўзбек ва ҳинд халқларининг кўҳна ва навқирон маданиятининг муштарак жиҳатларига алоҳида тўхталди.

Кўргазманинг очилиш маросими мамлакатимиз элчихонаси томонидан ташкил этилган ўзбек миллий рақсларидан иборат маданий дастурга уланиб кетди. Хонатлас либосидаги ўзбек раққосалари ижро этган жозибали рақслар ҳамда Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқлари ва кўҳна шаҳарлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильмлар намойиши меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

— Бу ерда кўплаб ҳиндистонликларнинг ўзбек рассомлари асарлари ва халқ амалий санъатининг ранг-баранг намуналарини катта қизиқиш билан томоша қилганини кўриб жуда мамнун бўлдим, — дейди Ҳиндистон — Ўзбекистон дўстлик жамияти раҳбари, шоир Қамар Раис. — Халқларимиз бири-бирини ҳурмат қилади, адабиёти ва санъатини ғоят қадрлайди. Ҳинд диёрида Алишер Навоий, Бобур ва бошқа ўзбек мутафаккирларининг кўплаб таржима асарлари мавжудлиги фикримнинг яққол исботидир.

Шуҳрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА.
Деҳли

Ҳикматли сўзлар маъноси

Иш бор ерда — хато бор

Бу мақол билан ишда бирор хато қилиб қўйиб, афсусланадиган, куюниб, ич-этини ейдиган, хижолат тортадиган одамга: «Қўйинг, кўп хафа бўлаверманг, иш бўлгандан кейин бирор арзимаган хатоси, камчилиги ҳам бўлади-да, тузалиб қолар ё тузатарсиз. Шунга ҳам шунча куюнасизми?! Иш қилмаган одамгина хато қилмайди», деб тасалли берадилар, шунингдек ишда бирор хатога йўл қўйган одамни биров ҳадеб қойийверса, айбдорнинг ёнини олганларида қўллайдилар.

Иш бошлаганда мақтанма, иш битганда мақтан

Бу билан: «Бирор ишни ҳали бошламай туриб ёхуд бирор ишга энди қўл уриб, «Ана ундоқ қилиб юбораман, мана бундоқ қилиб юбораман», «Фалон муддатда битказаман» ва ҳ.к. деб мақтанма, катта гапирма. Олдин ишни битказ, натижасини кўр, одамлар қойил қолсин, ана ундан кейин мақтансанг арзийди. Аслини олганда, шунда ҳам мақтанмаслигинг, ўзингни камтар тутишинг лозим», деган маънода насиҳат қиладилар.

Иш устасидан қўрқар

Бу мақол билан ҳунар эгаллашга, ўз ишининг моҳир устаси бўлиб етишишга даъват этилади. «Иш — билганники, Қилич — тутганники»; «Темирчининг қўлида темир эриб, сув бўлар» (Темирни эритиб, сувдай суюқ қилиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Темирчининг ҳунари бўлгани учун ҳам бу мушкул иш ундан «қўрқади». Умуман, «Ҳунарни пухта эгалласанг, уста бўлсанг, ҳар қандай оғир ишни ҳам осонликча бажара оласан», дейилмоқчи); «Иш, ишнинг кетига туш!», «Ҳар ишнинг кетига тушган — қўлига олмай қолмас»; «Ишнинг ўзи — ишга ўргатади» («Бирор ишга киришсанг, тобора қизиқиб бораверасан, у ишнинг сир-асрори сенга борган сари ойдинлашиб бораверади», дейилмоқчи); «Ишлаганинг — уйингга, ўрганганинг — ўзингга» (Бу мақолни кўпинча оналар қизларига: «Уй юмушларини (супуриш-сидириш, кир ювиш, турли хил овқатлар пишириш, нон ёпиш, хамир ёйиш, бичиш-тикиш ва ҳ.к.) қилаверсанг, қилишдан эринмасанг — бу уйга фойда, шу ишларни бажариш давомида кўзингнинг пишигани, тажрибангнинг ортгани, қўникканинг ўрганганинг — ўзингга, яъни келажакда қурадиган турмушингга фойда», деган маънода насиҳат қилганларида айтадилар); «Иш ақллини топар, ақлли — ишни топар».

Тошкент давлат Маданият институти томонидан 1987 йил 22 июлда Воҳидова Ҳидоят номига берилган УВ-1 №043361 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар 34-ўрта мактаб томонидан 1984 йилда Заикина Жанета Николаевна номига берилган ГҲ№305199 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси «Тошдавэкспертиза» қошидаги Тошкент вилояти Идорадан ташқари давлат экспертиза бошқармаси жамоаси мазкур бошқарма бошлиғи
Муяссархон Аҳаджоновна ДЎСТМУҲАМЕДОВАнинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур тазия изҳор этади.